



АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ ФАРҒОНА
ВИЛОЯТ
АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

ИЛМИЙ УСЛУБИЯТ БЎЛИМИ



Режалаштириш ва ҳисобот

*Ёш кутубхоначилар учун
эслатма*

Фарғона - 2016



Кутубхонанинг иш режаси – фаолият дастури вақтнинг маълум бир даври учун аниқ вазифаларни бажаришга сафарбар қилиш воситаси, меҳнат ресурсларидан, ажратилган пул маблағларидан унумли фойдаланиш воситасидир.

Иш режаси мазмун, ҳажм, кетма-кетлик, ишнинг бажарилиш муддати ва бажарувчиларни аниқлайди.

Режалар – перспектив ва жорий бўлиши мумкин.

Перспектив режа – кутубхона ривожланишининг узоқ йиллар давомидаги асосий кўрсаткичларини ифодалайди.

Йиллик режа – маълум бир схема асосида тузиладиган, асосий ва барча кутубхоналар учун мажбурийдир. Назорат кўрсаткичлари, бажариш муддати ва масъуллар кўрсатилган матнли қисмни ўз ичига олади.

Йиллик режа марказий кутубхонага 1 январга тақдим этилади.

Чорак иш режаси – йиллик режа асосида тузилади, тадбирлар мавзусини аниқлайди, ижтимоий ҳаётнинг сўнгги воқеалари акс эттирилган янги мавзулар киритилади.

Чорак иш режаси асосида маълум муддат давомида (ой, ўн кунлик, ҳафта) кутубхонанинг барча фаолиятини акс эттирувчи кутубхонанинг **ишчи режаси** тузилади.

Бундан ташқари, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётига оид муҳим воқеалар бўйича ҳам режа тузиш мумкин.

Ҳисобот – маълум вақт давомидаги ишларнинг натижалари бўйича юқори ташкилотларга, давлат сатистика органларига, шунингдек китобхонлар жамоатчилигига тақдим этиладиган маълумотлар жамламаси. Кутубхоналар икки хилда ҳисобот тайёрлайдилар: рақамли ва ахборот.

Йиллик рақамли ҳисобот – кутубхона фаолиятининг ҳисобига оид маълумотлар асосида 1-madaniyat shakli бланки тўлдирилади.

Ахборот ҳисоботи – маълум схема асосида тўлдирилади, рақамли кўрсаткичлар таҳлили ва кутубхона фаолиятининг йил давомидаги асосий йўналишлари, ишдаги камчиликлар таҳлили ва уларни бартараф этишни жамлайди.

Чорак ҳисоботи – маълум схема асосида тўлдирилади, чорак охирида келгуси ойнинг 5 кунига қадар марказий кутубхонага тақдим этилади.

Чорак ҳисоботида кутубхона фаолиятининг умумий кўрсаткичлари: китобхонлар сони, қатнов, китоб берилиши

режага нисбатан, кутубхона тармоқлари, оммавий тадбирлар, қизиқувчилар клубларининг сони ва номлари, бажарилган пуллик хизматлар миқдори кўрсатилади. Матнли қисмида кутубхона фаолиятининг чорак давомидаги фаолияти ёритилади.

Кутубхона фаолиятига оид **бир ойлик ахборот** келгуси ойнинг 5 кунига қадар марказий кутубхонага тақдим этилади. Ахборотда китобхонлар сони, қатнов, китоб берилишининг ўтган йилга нисбати, ўтказилган тадбирлар номи кўрсатилади.

Бундан ташқари, марказий кутубхона юқори ташкилотларга маълумот тайёрлаш мақсадида маълум бир мавзу бўйича кутубхона фаолиятига оид ахборот сўраши мумкин.

Китобхонлар ва аҳоли олдида ҳисобот. Кутубхоналар ўз фаолиятлари тўғрисида китобхонлари олдида ҳисобот беришлари шарт. Ҳисобот китобхонлар конференцияси, китобхонлар йиғилиши, қишлоқ йиғинлари, кутубхонанинг жамоат кенгаши, кутубхона фаолиятининг матбуотда ёритилиши шаклларида ўтказилиши мумкин.



Тузувчи: Ш. Юнусова